



*Barchaga g'amxo'rlik — davlatning burchi*

# O'zbekiston OVOZI



АЗИЗ ФАРЗАНД-  
ЛАРИМИЗ  
ҚАЛБИГА ИЛМ-  
ФАН ЗИЁСИНИ  
СИНГДИРИБ,  
УЛАРНИ ЭЛ-  
ЮРТГА МУНОСИБ  
ИНСОНЛАР ЭТИБ  
ТАРБИЯЛАЁТГАН  
ЗАҲМАТКАШ  
ВА ОЛИЖАНОБ  
УСТОЗЛАРИ-  
МИЗНИ  
БАЙРАМЛАРИ  
БИЛАН  
ТАБРИКЛАЙМИЗ.

## 1 ОКТЯБРЬ — УЧИТЕЛИ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ РАБОТНИКОВ ДНИ



НОМЗОД БИЛАН  
УЧРАШУВЛАР ҚИЗГИН  
ДАВОМ ЭТМОҚДА

**2-3**  
САҲИФАЛАР

#OvozBering

#saylov2021

## MEN TAYYORMAN

Men munosibman. Men xabardorman. Men saylovchi sifatida to'g'ri tanlov qilishga tayyorman. Men ovoz berishga tayyorman. Siz tayyormisiz?

Аҳолига давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматлар кўрсатишни таъминлаш долзарб вазифалар сирасига киради.

29-sentabr, chorshanba, 2021-yil.  
№39 (32681)

ЖАРАЁН

# САЙЛОВОЛДИ УЧРАШУВЛАРИ

СИРДАРЁ  
ВИЛОЯТИ



ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш зарурати асослаб берилди.

Шунингдек, оғир ижтимоий аҳволдаги оилаларни ижтимоий турар жойлар билан таъминлаш, аҳолининг даромадига қараб табақалаштирилган солиқ тизимини жорий этиш, асосий озиқ-овқатлар нархларини шакллантириш устидан давлат ва жамоатчилик назоратини қатъий ўрнатиш, қишлоқ туманларига саноатни олиб кириш Сайловолди дастурдаги асосий йўналишлардан эканлиги таъкидланди.

Аҳолига давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматлар кўрсатишни таъминлаш, дорихоналар ва хусусий тиббий муассасаларга алоҳида ижтимоий ташкилот мақомини бериш, тиббиёт ходимларининг шаъни, кадр-қиммати ва соғлигини ҳимоя қилиш бўйича қонун қабул қилиш масалалари ҳам долзарб вазифалар сирасига киради.

Номзод олий таълим учун грантлар сонини ошириш, фуқароларнинг судларда халқ маслаҳатчилари сифатида, шунингдек, қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашда жамоатчиликнинг кенг иштирокини таъминлаш борасидаги устувор йўналишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

Мақсуда Ворисова Сирдарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг истикболдаги имкониятлари ҳақида ҳам тўхталди ва вилоятда аҳоли бандлиги, янги иш ўринлари ташкил этиш, ичимлик суви ва коммунал инфратузилма билан боғлиқ муаммоларга ечим топиш зарурлигини таъкидлади.

Учрашувда иштирокчилар Президентликка номзодга ўзларини қизиқтирган саволларни берди.

Шунингдек, учрашувда бир қатор фаоллар, Ўзбекистон Қаҳрамони Саидахмад Шоимов, Янгиер шаҳар "Мурувват" ногирон аёллар учун интернет уйи директори Нафиса Шарипова ва бошқалар сўзга чиқиб, Мақсуда Ворисованинг Сайловолди дастури хусусида таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.


Учрашувни Халқ демократик партиясининг Сирдарё вилояти кенгаши раиси, номзоднинг ишончли вакили Шерали Мамадеев олиб борди. У сайловчиларга номзод Мақсуда Ворисованинг таржимаи ҳоли, меҳнат фаолияти ҳақида батафсил маълумот берди.

Юзма-юз мулоқотда М.Ворисова сайловчиларни ўз Сайловолди дастурининг устувор йўналишлари билан таништирди. Хусусан, мамлакатда ижтимоий тенгсизликнинг барча кўринишларига барҳам бериш,

2021 йил 22 сентябрь кунини вилоятдаги барча туман ва шаҳарлар сайловчилари билан видеоконференция орқали мулоқот тарзида ташкил этилган учрашувда талаба-ёшлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, маҳаллий кенгашлар депутатлари, партиянинг вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари аъзолари иштирок этди.

УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ АЪЗОЛАРИНИНГ  
МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА ТАРКИБИ

24x7 O'ZBEKISTON  
PRESIDENTI  
ONLINE SAYLOVI



САВОЛ: Ўзбекистон Республикаси

Президенти лавозимига ким сайланиши мумкин?

ЖАВОБ: Ўзбекистон

Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин.

Қуйидагилар:

– қасддан содир этилган жинояти учун илгари судланган фуқаролар;

– диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари Ўзбекистон Республикаси

Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинмайди.

Биз аҳоли манфаатларини таъминлашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсат юритиш тарафдоримиз.

29-sentabr, chorshanba, 2021-yil.  
№39 (32681)

ЖАРАЁН

# Кўтаринки руҳда ўтмоқда

ЖИЗЗАХ  
ВИЛОЯТИ

## Номзодимизни, ҳаётини таклифларини қўллаб-қувватлаймиз!

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД МАҚСУДА ВОРИСОВА ЖОЙЛАРДА САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗМОҚДА. УНИНГ НАВБАТДАГИ УЧРАШУВИ ЖИЗЗАХДАГИ ШАҲАР МАРКАЗИЙ ПОЛИКЛИНИКАСИДАН БОШЛАНДИ. НОМЗОД ДАСТЛАБ ШИФОХОНАДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИЖТимоий дорихонани кўздан кечирди. ПОЛИКЛИНИКАДАГИ ШАРТ-ШАРОИТЛАР, МАВЖУД МУАММОЛАР ҲАҚИДА ШИФОКОРЛАР БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ. ШИФОХОНАНИНГ УМУМИЙ ҲОЛАТИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА. ЯКИНДА ТАЪМИРДАН ЧИҚҚАН ТИББИЁТ МАСКАНИДА БАРЧА ЖИҲОЗЛАР ЕТАРЛИ. ПОЛИКЛИНИКАДА РЕНТГЕН, ЛАБОРАТОРИЯ ХОНАЛАРИ, УЛАРДА МАВЖУД ТИББИЙ ЖИҲОЗЛАР ИШЛАБ ТУРИБДИ. ПОЛИКЛИНИКА КАТТА ҲАМШИРАСИ ТИББИЙ КИЙИМЛАРНИ ҲАМШИРАЛАР ЎЗ ҲИСОБИДАН ОЛИШАЁТГАНИ, УЛАРГА ИШ ЎРИНЛАРИ ЕТАРЛИ ЭМАСЛИГИ ХУСУСИДА АЙТИБ ЎТДИ. АЙНИҚСА, ДОЯ ҲАМШИРАЛАР УЧУН ИШ ЎРНИ ҲАМ КАМЛИГИ, БОР-ЙЎҒИ ИККИ СТАВКА ИШ ЎРНИ БОРЛИГИНИ БАЁН ҚИЛДИ.

Шундан сўнг Мақсуда Ворисованинг жиззахлик сайловчилар билан учрашуви бошланди.

Дастлаб Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Улуғбек Иноятов учрашуви очиб берди. Номзоднинг Жиззах вилоятидаги ишончли вакили Нуриддин Холматов йиғилганларни Мақсуда Ворисованинг таржимаи ҳоли ва фаолияти билан таништирди.

– Биз “Барчага ғамхўрлик — давлатнинг бурчи” бош шиори остида кураш майдонига кирдик,

– дея ўз сўзини бошлади номзод ишончли вакил таништирувидан сўнг. – Биз ҳар бир оиланинг муносиб ҳаёт кечиршини таъминлаш, малакали тиббий хизмат, етарли даромадга эга бўлиш, жамиятда барқарорликни сақлаш учун ҳуқуқий тенглик, ундан фойдаланиш учун тенг имкониятлар берилиши тарафдоримиз. Сайловолди дастурида бахтли болалик, ишончли келажақ, қарияларга ғамхўрлик борасида ҳаётини

таклифларни илгари сураямиз.

Ногиронлиги бор шахсларни ўйлантираётган масалалар ҳам жамиятнинг ўткир муаммоларидан саналади. Тўғри, бу борада қонунчилигимизда қатор ўзгаришлар бор, халқаро конвенция ҳам ратификация қилинди. Аммо бу ногиронлиги бор кишилар учун тўлиқ шaroит яратилган, деб айтишга асос бўлмайди. Масалан, ногиронларнинг биноларга, жамоат транспортларига кириб-чиқиши учун шaroитлар йўқ.

Шу боисдан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг талаб ва эҳтиёжлари, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, бу борадаги тизимни тубдан яхшилаш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Залда гулдурас қарсақлар янгради. Ахир одамийлик, мухтожларга мадад бўлишни халқимиз ҳамisha қўллаб-қувватлаган.

Шунингдек, номзод ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиш кафолатлари тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни ҳам илгари сурмоқчилигини баён этди.

– Яна бир оғриқли масала бор, – дейди ўз сўзида давом этар экан номзод. – Қўллаб-юртдошларимиз тирикчилик ўтказиш илнжиди хорижда меҳнат қилаяпти. Айрим ҳолларда улар турли қийинчиликларга дучор бўлишмоқда.

Мақсуда Ворисова шунингдек, келгуси 5 йилда камбағал аҳоли улушини камида 2 баробарга қисқартириш лозим, деб ҳисоблайди. У Сайловолди дастурида табақалаштирилган солиқ тизимини жорий қилиш масаласини илгари сурмоқда.

**Нега 500 минг маош оладиган ҳамшира билан 5 миллион ойлик оладиган бошқа бир ходим бир хил солиқ тўлаши керак, деган саволни ўртага ташлайди номзодимиз.**

Мақсуда Ворисованинг оғир ижтимоий аҳволдаги оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар учун ижтимоий турар жойлар қуриш таклифи сайловчиларнинг яна бир олқишига сазовор бўлди. Инновацион технологиялар асосида арзон қурилиш материаллари ва конструкциялар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш масаласи бу муаммоларга бироз енгиллик туғдиради.

Мақсуда Ворисова шунингдек, ичимлик суви, канализация, қишлоқ ҳудудларида шифокорларга бўлган эҳтиёж, Жиззах шаҳрида марказий шифохона йўқлиги каби муаммоларга тўхталиб ўтди.

Вилоятда педагог кадрлар масаласига эътибор қаратмаса бўлмайди. Қанча-қанча ёшлар олий таълим даргоҳларини тугатаётганликларига қарамасдан туманларда, қишлоқларда айрим фанлар ўқитувчиларига ҳамон

эҳтиёж бор. Ёшлар ўқиб, ойлик маошлари ёки бошқа сабаблар билан шаҳарлардан қишлоқ ҳудудларига келиб таълим беришни иштамаётгани бор гап. Биз шуларни инобатга олган ҳолда қишлоқ ўқитувчиларига ҳам зарур шарт-шaroитлар яратилиши, муносиб иш ҳақи берилиши тарафдоримиз. Бизнинг шиоримиз: бепул таълим, бепул соғлиқни сақлаш, – дея номзод ўз нутқини якунлади.

Мақсуда Ворисова маърузасидан сўнг аҳоли вакиллари учрашув ҳақида, номзоднинг дастурида илгари сурилаётган ҳаётини ва изчил таклифлар ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

**Ўғиллой Комилова, шифокор:**

– Ҳозир пенсиядаман. Шу билан бирга “Ифбатли келин” ўқув марказининг шаҳар филиалида оилада тиббий маданиятни ошириш масалалари бўйича дарс ҳам бераман. Бешта партиянинг ичида бизнинг партия аёл номзодни илгари сургани демократиянинг ижобий кўриниши, самараси эканини айтмоқчиман. Бундан биз аёллар айниқса, фахр туйғуларини туйдик.

Мен номзодимиз дастурида тиббий соҳага қаратилган эътибордан мамнун бўлдим. Номзоднинг барча йўналишлардаги таклифларини қўллаб-қувватлайман.

**Даврон Эргашев, ёшлар вакили:**

– Номзод дастурида аҳоли, айниқса, ёшларни қийнаб келаётган масалалар кўтарилгани мен учун жуда қувонарли бўлди. Давлат идораларида ёшлар ўрнини кўпайтириш таклифи биз, ёшларга янада катта куч беради, десам муболаға бўлмайди.

Мен вилоятимиз ёшларини Мақсуда Ворисованинг номзодини қўллаб-қувватлашга қақираман.

Учрашувда шунингдек, сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишди.

**Нодира Исомиддинова, тадбиркор:**

– Давлатимизнинг аҳоли бандлиги ва реал даромадларини оширишда нималарни ривожлантиришга эътибор қаратиши лозим, деб ўйлайсиз?

**ЖАВОБ:** Жамиятимизда ишсизлик масаласи энг долзарб масала. Бу умумий ҳаётимизга

салбий таъсир қилиши табиий. Аҳолимизнинг 50 фоизи қишлоқларда яшайди. Шу боис асосий иш ўрларини қишлоқларда яратиш керак. Ҳудудларда бунга шaroитлар етарли. Мисол учун, маҳсулотларни қайта ишлаш орқали иш ўринларини кўпайтиришга эришиш мумкин. Бунда ишлаб чиқариш корхоналарини давлат томонидан кафолатлашни инобатга олиш лозим.

**Миршароф Толибоев, талаба:**

– Давлат идораларида ёшларнинг ўрнини мустаҳкамлашда юзага келадиган муаммолар ечимини ҳақида нима дея оласиз?

**ЖАВОБ:** Бу таниш-билишчилик, коррупция орқасидан юзага келадиган муаммолар, деб биламан. Маълумотлар ёпиқ жойда коррупция кузатилади. Яъни, ҳар бир давлат идораларидаги мавжуд иш ўринлари очик бўлиши керак. Бутун дунё шундай ривожланган. Идораларнинг эшиклари фақат билимли, интилувчан, талабчан ёшларгагина очик бўлса, мавжуд муаммолар ҳам бартараф этилишига эришилади.

ЎзХДПдан Президентликка номзод Мақсуда Ворисованинг Жиззах шаҳрида сайловчилар билан ўтказган учрашуви фикр-мулоҳазалар ва савол-жавобларга бой бўлди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси У.Иноятов барчани Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга ва партиядан кўрсатилган номзод — Мақсуда Ворисовага овоз беришга қақирди.

Республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам учрашувлар қизғин давом этмоқда.

**Гулрух ОДАШБОЕВА, “Ўзбекистон овози” мухбири.**


САВОЛ: КУЗАТУВЧИ КИМ?

**ЖАВОБ:** Кузатувчи – сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир тадбирларни бевосита кузатиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ҳисобланади.

Сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчиларга, уларнинг аризасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан мандатлар (рухсат берувчи ҳужжат) берилади.

Хорижий (халқаро) кузатувчилар Марказий сайлов комиссияси томонидан аккредитация қилинади ва мандат берилади.

Мандат (рухсат берувчи ҳужжат) кузатувчи сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ўз фаолиятини амалга ошириши учун асос ҳисобланади.



МАНЗАРАСИГА НАЗАР

# АМАЛДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ҲУҚУҚЛАР КЎПМИ?...

Маълумотларга кўра, ҳозир дунёда қарийб 1 миллиард нафарга яқин ногиронлиги бўлган шахс бор. Мамлакатимизда эса 780 минг нафар ногиронлиги бор инсон рўйхатга олинган. Шулардан 350 минг нафари ишга лаёқатли. Аммо жамиятимизда уларнинг эҳтиёжлари ва муаммоларига эътиборни кучайтириш зарур бўлган кўпдан-кўп масалалар бор. Шунчаки бор эмас, йиллар давомида пайсалга солиб келинаётган, ҳукуматнинг назаридан четда қолиб кетаётган камчиликлар кўп, амалда қўлланилмайдиган ҳуқуқлар бисёр...


2021/2022 ўқув йилида тажриба-синов тариқасида шаҳарларда ҳамда Тошкент шаҳрининг туманларида жойлашган биттадан умумтаълим мактабларида, жами 42 та умумий ўрта таълим мактабида инклюзив таълим тизими жорий қилинди. Ушбу мактабларнинг инклюзив синфларига 76 нафар ўқувчи қабул қилинди.

## ЖОРИЙ МЕХАНИЗМ МАНЗАРАСИГА НАЗАР

Эсингизда бўлса, ўтган йили 15 октябрда давлат раҳбари томонидан "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги янги қонун имзоланган эди. Яқинда, яъни шу йил 7 июнь куни "Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни (Нью-Йорк, 2006 йил 13 декабрь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистонда инклюзив таълимни ривожлантириш, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини такомиллаштириш ҳамда уларга кўрсатиладиган таълим хизматлари сифатини яхшилаш мақсадида Президентнинг "Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарор билан 2020-2025 йилларда халқ таълими тизимида инклюзив таълимни ривожлантириш концепцияси ҳамда 2020-2025 йилларда халқ таълими тизимида инклюзив таълимни ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"

Миллий қонунчиликни БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича конвенцияси тамойиллари ва меъёрларига мувофиқлаштириш зарур. Ногиронлиги бўлган шахсларга оид халқаро меъёрлар ва стандартлар миллий қонунчиликка имплементация қилиниши тарафдоримиз. Шунингдек, ногиронлар жамиятларига давлат субсидияларини ажратиш бўйича таклифларни олға сурамиз.



тасдиқланди.

Ушбу ҳужжатларни Ўзбекистонда инклюзив таълимни ривожлантиришнинг муҳим ҳуқуқий асоси, дейишимиз мумкин. Бу орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш янада кафолатланмокда. Имконияти чекланганларни жамиятга тўлиқ ижтимоий интеграция бўлиш чорасини кўриш ва шарт-шароит яратишга жиддий эътибор қаратиляпти.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида Президентнинг "Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарор билан 2020-2025 йилларда халқ таълими тизимида инклюзив таълимни ривожлантириш концепцияси ҳамда 2020-2025 йилларда халқ таълими тизимида инклюзив таълимни ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"

берилляпти. Лекин аксарият ҳолларда қабул қилинган қонунлар ва қарор, фармонлар ижроси мутасадди ташкилотлар томонидан тўлиқ бажарилмаяпти. Ногиронлиги бор шахслар ҳуқуқларини амалда қўллаш механизмлари тўлиқ ишга солинмаяпти. Мана асосий масала.

## ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ

Охирги пайтда инклюзив таълим тушунчаси тез-тез тилга олинмокда. Инклюзив таълим нима дегани ўзи? Бу мактабга, ўрта ва олий таълимни ўзгартириш жараёни бўлиб, барча ногиронлиги бўлган фарзандларимиз ундан фойдаланиши, ушбу таълимни уларнинг турли эҳтиёжларига мослаштириш мумкинлигини кўзда тутлади.

Инклюзив таълим ногиронлиги бўлган болаларга нисбатан ҳар қандай камситишни истисно этадиган, барча учун тенг муомалани таъминлайдиган, лекин махсус таълим эҳтиёжига эга болалар учун зарур шароит яратиладиган мафкурага асосланади.

Ҳақиқатдан ҳам, ногиронлиги бўлган болалар ҳам соғлом болалар билан бир хил эътиборда ўқий олиши керак. Таҳлилларга кўра, агар мактабларда инклюзив таълим билан қамраб олиш учун шароит яратилса, ногиронлиги бор 16 ёшгача болаларнинг 80 фоизидан ортиғи бемалол мактабга бора олади. Бу қанчадан-қанча болаларнинг кўнглига ёруғлик олиб киради, улар ҳам жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлигини ҳис қилади, шу тариқа ҳаётга қараши ўзгаради, ишончи мустаҳкамланади.

Шундай болалар борки, уларда ногиронлиқнинг энгил

## «БИЗ СИЗ УЧУН ҚАЙҒУ-РАМИЗ!»

Президентликка номзод Мақсуда Ворисова ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш тарафдори.

Номзодимиз ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш керак, деган таклифни илгари сурмокда.

– Биз миллий қонунчиликни БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича конвенцияси тамойиллари ва меъёрларига мувофиқлаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, ногиронлар жамиятларига давлат субсидияларини ажратиш бўйича таклифларни олға сурамиз.

Бундан ташқари, ногиронлиги бўлган болаларни қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш, уларга маънавий-маърифий соҳада тенг имкониятларни таъминлаш керак, деб ҳисоблайман. Махсус адабиётларни, жумладан, овоз жўрлигидаги Брайль алифбоси асосида ҳам чоп этиш ва харид қилиш, инклюзив таълимни ривожлантириш, шу соҳада фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларга имтиёзлар тақдим этиш зарур, – дейди номзод.

Ҳўш, ногиронлиги ва ривожланишда нуқсонлари бўлган болалар сифатли таълим олишлари ва кейинчалик муносиб иш топишлари учун уларга ҳақиқий инклюзив шароитларни қандай яратиш мумкин?

– Бизнинг фикримизча, болалар боғчалари ва мактабларни ногиронлик аравачасида юриш, яъни кўра олмайдиган ёки эшита олмайдиган болалар учун қулай қилиб режалаштирилиши, пандуслар қуриш, лифтлар, огоҳлантирувчи белгилар ўрнатиш каби архитектура-қурилиш ишлари белгиланган нормативлар асосида бажарилиши керак. Инклюзив таълимга мослаштирилган таълим масканлари тарбиячи, ўқитувчиларига зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг устима ҳақларини ошириш масаласига эътибор қаратилиши лозим. Яна бир муҳим вазифа, бу жамиятни ижтимоийлаштириш, яъни, ногиронлиги бўлган болалар ва умуман ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан жамият муносабатини тўғри шакллантиришдир, – дейди номзод Мақсуда Ворисова.

шакллари бўлса-да, улар махсус таълим муассасаларида ўқияпти. Лекин уларда таълим сифати кутилгандек юқори самара бермайди.

Яқинда ОАВда Буюк Британиянинг Сассекс университети, Тараққиёт тадқиқотлари институти докторанти Дилмурод Юсуповнинг шу масала юзасидан фикрлари эълон қилинган эди. Унда муаллиф Ўзбекистонда инклюзив таълимни ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга урғу қаратган. Хусусан, янги таҳрирдаги "Таълим тўғрисида"ги қонунда илк марта инклюзив таълим тушунчаси киритилган, уни ташкил этиш механизми белгиланган бўлишига қарамай, ҳанузгача бундай тартиб ишлаб чиқилмаганига эътибор қаратган.

## ОЛИЙ ТАЪЛИМДА НОГИРОНЛИГИ БОР ШАХСЛАР УЧУН ШАРОИТ БОР (МИ)?

БМТнинг ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига мувофиқ, ногиронлиги бор шахслар учун оқилона қулайликларни таъминламаслик уларни камситиш, деб қабул қилинади.

Конституциямизда ҳам барча учун таълим олиш ҳуқуқи кафолатланган. Миллий қонунчилигимизда ҳам ногиронлиги бўлган шахслар учун салоҳиятларини юзага чиқаришда тенг ҳуқуқлар белгиланган. Мактабга қатнай олмайдиган имконияти чекланган болаларнинг уй шароитида ўқитилишига давлатимиз томонидан алоҳида аҳамият берилётган бўлса-да, жойлардаги мутасаддиларнинг эътиборсизлиги оқибатида бу шаклда билим бериш жараёни ҳам сифатли ташкил этилмаяпти. Бошланғич шароитларда яхши таълим берилмаса, бу кейинги босқичдаги таълим сифатига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Маълумки, олий таълим даргоҳларига кириш учун ногиронлиги бор шахсларга 2 фоизлик квота ажратилган. Бу имтиёз олийгоҳда ўқишни хоҳлаган қанчадан-қанча ёшлар учун яхши имконият бўлди, уларнинг ҳаётида, шубҳасиз, туб бурилиш ясади. Аммо, олий таълим даргоҳларида улар учун керакли шароит мавжудми? Асосий масала шунда. Имтиёздан фойдаланиб, институтга кирган ногиронлиги бор йигит-қизлар дарсга қатнаши учун қийинчиликларга дуч келмайдими, ишқилиб? Остонасиз кириш, зинапоялар, пандуслар, лифтлар ва бошқа қулайликлар мавжудлиги ҳисобга олинганми?

Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунга кўра, барча давлат муассаса ва ташкилотлари ногиронлиги бор бўлган шахсларнинг ижтимоий инфратузилма, транспорт, алоқа воситалари ва ахборотдан фойдаланишда тенг имкониятларни таъминлаши керак. Ҳаттоки, ушбу талаблар бажарилмаган ҳолатларда қонунда маъмурий жавобгарлик кўзда тутилган.

Яна бир масала, эшитиш қобилияти чекланган талабалар учун маърузалар вақтида имо-ишора тилида таржима билан таъминлаш учун қулайликларнинг мавжуд эмаслигида. Тасаввур қилинг, қар ва заиф эшитувчи талабалар сурдо таржимасиз дарсларни қандай ўзлаштиради? Кўриш қобилияти чекланган талаба ўқитувчи доскада нима ёзаётганини кўрмаса, унда дарсда нимани ўрганади? Бу уларнинг руҳиятига ҳам таъсир этмайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Шундай қилиб, мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларини ногиронлиги бор шахсларга мослаштириш кечиктириб бўлмайдиган масаладир.

Лазиза ШЕРОВА,  
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

Тенглик заруратми ёки мажбурият?  
Менимча, тенглик, аввало, маданият.  
Юксак ва ўлмас маданият.

29-sentabr, chorshanba, 2021-yil.  
№39 (32681)

МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

# АЗАЛИЙ БАҲОСГА ЗАМОНАВИЙ ҚАРАШЛАР

## “ИРОДАНИНГ КУЧИ”

“Ирода кучи” маъносини англатувчи фильмда қора танил бир спортчи тимсолида миллатчилик, ирқчилик иллатлари намойиш этилади. Ижтимоий тенгсизлик масалалари, адолат тарозусининг бузилганини очик-ойдин кўриш мумкин.

Германиядаги олимпиада ўйинларида бир варақкага 4 та олтин медални қўлга киритган мохир спортчи Жейсон Овен инсон сифатида ҳамма тенглиги, Яратган учун ҳам, одамлар учун ҳам, спортда ҳам миллат, ирқ, дин, тил ёки этнокод муҳим эмаслигини исботлаб беради.

Бирок, ўша даврдаги чиркин қарашлар шу қадар урчиб кетган эдики, олимпиаданинг энгил атлетика йўналишида 4 та рекордни янгилаган, энг тез югурар одамнинг шарафига уюштирилган зиёфатга қаҳрамоннинг ўзи киритилмади. Асосий киришдан эмас, орқа эшикдан, яъни ишчилар қирадиган жойдан айланиб ўтишга мажбур бўлади.

Жаҳон рекордини янгилаган бўлишига қарамай, фақат қора танил бўлгани учунгина Жейсоннинг имкониятлари чекланиб, ҳуқуқлари поймол бўлади. Афсуски, жамиятдаги бу каби ижтимоий тенгсизлик тушунчалари, шу зайддаги қарашлар ҳануз давом этмоқда.

Тўғри, бугун айрим масалаларда одамларнинг тафаккури ўзгарди. Терисининг ёки кўзининг ранги билан баҳолаш мезонлари анча чекингани ҳам рост. Баъзи мамлакатларда инсонга инсон, яъни ер юзидаги энг улуг зот сифатида қарашнинг энг юқори босқичлари затб этилгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Бирок ижтимоий ҳолати, мансаби ёхуд бирор бир жисмоний нуқсон, керак бўлса миллатига қараб, нотенгликка йўл қўйилаётганини тан олмаслик мумкин эмас. Ҳуқуқий тенглик, имкониятлардаги тенглик ва тафаккурдаги тенглик масалаларида турли соҳа ҳамда ёш вакилларининг фикрини ўргандик.

## ҲУҚУҚЛАР ТЕНГ, БИРОҚ ИМКОНИЯТЛАР...

Тўлқин ТЎРАХОНОВ,  
Ўзбекистон ХДП Марказий  
Кенгаши раиси ўринбосари:

— Аслида ижтимоий тенглик инсоннинг нуфузи, бойлиги ёки амали билан ўлчанмайди. Бу фақат пул топиш, даромад манбаига боғлиқ масала эмас. Фуқаронинг келиб чиқиши, мансабидан қатъи назар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда тенг шароит бўлиши ҳақиқий тенгликни таъминлайди. Умумий қилиб айтсак, бу қонун устуворлигини англатади. Жамиятда яшовчи ҳар бир инсонга инсондек, тенг фуқародек қараш, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқи, қадри қонун олдида тенглигини таъминлаш ижтимоий тенгликнинг асл моҳиятини келтириб чиқаради.

Масалан, ҳамманинг паспорти бир хил, яъни яшил рангда. Фуқаро сифатида ҳуқуқни белгилайдиган бу ҳужжат ҳеч кимга ортқича имтиёз бермайди. Яна ҳам соддароқ қилиб айтсак, паспорт бир хил экан, қонуний ҳуқуқлар ҳам ягона бўлади.

Тарихий манбалардан маълумки, инсон омили устун саналган жойда тараққиёт, ўсиш бўлган. Умуман, ривожланган мамлакатларда асосий элемент инсонга бўлган муносабатдаги бир хиллик, ҳуқуқ тенглиги ҳисобланади. Уст-бош, қариндош-уруғ, ҳар қандай ижтимоий ҳолат бу тушунча олдида қадрсиз саналади. Бойлик, мансаб, жинс ёки бошқа ҳар қандай масала кейинги ўринга тушиб қолади. Қарабсизки, бу жойда ҳуқуқлар тенглашади. Айнан ушбу мезон фуқароларнинг қайфияти, орзу-мақсадлари, интилишлари, умуман ҳаётга қарашини белгилайди. Айтайлик, амалдор, бадавлат шахс ёки даладаги оддий деҳқоннинг ҳам ҳуқуқлари бир хил экани ва ҳуқуқни амалга ошириш нуктаи назаридан имкониятлари тенглигини ҳисобга олиб, тан олиб, ҳаракат қилган жамиятдагина ривожланиш бўлади.

Нима учун, деган ҳақли савол туғилади. Сабаби, ҳуқуқ тан олинган, ҳуқуқни амалга

оширишда тенг имкониятлар таъминланганда чин маънода қонунларни ҳурмат қилиш бошланади. Мана шу нуктада ХДП номзодининг ижтимоий тенгсизлик билан боғлиқ ғоялари нақадар муҳим, принципиал экани намён бўлади.

## ЗАМОН ҲАМИША “ЗЎРНИКИ” ЭМАС, ПУЛИ БОРНИКИ

Карим БАҲРИЕВ,  
журналист:

— Халқаро ҳуқуқ ҳамма инсон ўзаро тенглигидан келиб чиқади. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ёки халқаро ҳужжатларда ирқидан, динидан, ижтимоий аҳолидан, мавқеидан қатъи назар ҳар бир инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларда тенглиги белгилаб қўйилган. Яшаш ҳуқуқи, илм олиш, меҳнат қилиш, соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқ қабиларда ҳар бир инсон тенг бўлиши лозим. Ҳўп, қонунларда белгиланган экан, қандай вазиятда бу ҳуқуқлар “камситилади”?

Айтайлик, билим олиш, олий маълумот эгаси бўлиш учун имтиҳон топширади, ўта олган ўқийди, дейиш масаланинг бир жиҳати. Агар илм олиш харажат билан боғлиқ бўлса, бойнинг боласи ўқийди, камбағалнинг боласида эса имконият бўлмайди. Натижада у яхши маош тўланадиган жойларда ишлай олмайди, ижтимоий ҳиммага муҳтожлар сирасига кириб қолиши ва ёки маблағ билан боғлиқ орзуларини амалга оширолмай қолиши мумкин. Аввал ҳам бор эди, ҳозир ҳам кузатилади. Яъни “болам “колхозчи” бўлиб қолиб кетди, ўзим ўқий олмадим, уни албатта, ўқитаман. Шунда у мендан кўра яхшироқ яшайди, ўқиса, яхши яшайди”, деган қараш бор. Чунки таълим олиш энг асосий ҳуқуқлардан ҳисобланади, сабаби у бевосита инсоннинг тақдирига таъсир кўрсатади. Энг қизиги, ҳусусий боғча, мактаб, керак бўлса олий ўқув юртлири ҳам пуллик асосга ўтиши кам таъминланганларнинг боласига имкониятларни чеклаб қўяди. Бу таълимга оид ҳуқуқдаги нотенгликдир.

Бизнинг жамиятда эса жинсий сабабдан тенгсизлик кўпроқ кузатилади. Деярли ҳар бир оилада учрайдиган бир мисолни айтман. Икки ўғил, икки қизи бор ота-она ўғилларини ўқитади. Улар яхши жойда ишлаб, пул топса, кексайганимда бокади, деган фикр бўлади. Чунки қиз бола узатилади ва таълим олиши ота-онага наф келтирмайди. Уқитмасдан, жойи қисқа, вақтлуроқ узатиб юбориш пайига тушади. Бу бир уйнинг ичида қиз ва ўғил фарзанд ўртасидаги ҳуқуқларнинг бузилишини кўрсатади. Афсуски, мерос ва яна бошқа масалаларда ҳам бир том остида ҳуқуқлар поймол этилиши бор гап.

Эр-хотин муносабатларини олайлик. Тўғри, динимизга кўра, аёлларнинг ўрни кўпроқ оилада. Лекин уларнинг дунёвий тарафдан ҳуқуқлари эркаклар билан тенгдир. Натижада икки хил қараш юзага келади ва бу тавофутларни келтириб чиқаради. Қадимдан сақланиб қолган урф-одатлар, халқаро тилда стретиплар, яъни шууримизга сингиб кетган ёзилмаган қонунлар ҳам тенгсизликка сабаб бўлади. Аёлларга ўқитувчи, ҳамшира, боғча тарбиячиси сифатида қаралади. Нега энди уларни малакали жаррох, олим ёки академик даражасида тасаввур қилмаслик керак? Сиёсатда ёки раҳбарлик лавозимларида ҳам бу кузатилади. Депутатликка номзод сифатида хотин-қизлар учун квоталар ажратилаётгани рост. Уларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш борасидаги чора-тадбирлар мавжуд, тан оламиз. Аммо яна бир ҳақиқат шуки, “бу аёл нима қилиб берарди, эркак кишига овоз берайлик” қабилидаги психологиямизни ҳам инкор этмаслигимиз лозим. Демак, бу бевосита тенгликка таъсир кўрсатади.

Энди ҳуқуқлардан фойдаланиш масаласига келсак, аввало, одам ўз ҳуқуқини билиши, бу борада саводга эга бўлиши зарур. Зеро, одам ўз ҳақини таниса, билса, унга эришишга интилади. Шунингдек, жасорат ва ҳаракат ҳам талаб этилади. Мисол учун, ўз ҳуқуқини билиб, жим юриш ёки бирор бир идоранинг эшигини қоқиш мумкин. Бунга эса жасорат, ҳаракат керак. Учинчи ва энг муҳим масала, ташқиёт ва идораларнинг қанчалик қонунга риоя қилиши, тўғри ҳамда ҳалол ишлашига

боғлиқ. Адолат билан ҳимоя қиладими, ҳолис бўладими, қонунларга тўлиқ амал қиладими, деган савол турибди. Агар бир манзилда бир фуқаронинг иши битмадими, у ҳуқуқ-тартибот идоралари ёки судга мурожаат қилади. Идоралар қонунга кўра ишлайдиган, суд бўлса мустақил ва ташқи таъсирлардан ҳоли равишда қарор чиқарадиган бўлиши лозим. Бир инсоннинг адолат, тенглик билан ҳал бўладиган талаби бевосита қонунларни қай даражада билишига, ҳалоллиги, порахўрмаслигига боғлиқ.

Мамлакат ўзини ҳуқуқий демократик республика сифатида эълон қилар экан, ушбу масалага кўпроқ эътибор қаратиши зарур. Албатта, мутлақ тенгликка эриша олмаसा ҳам, доимий тарзда шунга интилиш, ҳаракат қилиши талаб этилади. Сиёсатда, ижтимоий ҳаётда, жамиятда бунга яхши тушунишга, тушунтиришга ўринишлар доимий бўлиши керак.

## МУАММО ЎЗИМИЗДА БЎЛСА-ЧИ?

Шухрат САТТОРОВ,  
Республика таълим маркази раҳбари:

— Бир неча йиллар аввал бир ташкилотда ишимни яхши кўриб меҳнат қилардим. Қонларнинг бирида кадрлар билан ишлаш бўлими бошлиғи мендан ариза ёзишмни, ортқ бу ташкилотда олиб қололмаслигини айтди. Ҳайрон қолдим, афтидан ҳаммаси яхши кетаётган, ташкилот учун фойдали лойиҳаларни амалга ошираётган эдим. Сабабини сўраганимда, “прописка”, деди у. Тошкент шаҳрида доимий рўйхатга қўйилмаганим учун мен ўзим севган иш жараёнидан узоқлаштирилганман.

Бу воқеадан кейин анча пайт ўзимга келолмай, жамият қонун-қоидалари, фуқароларга нисбатан нотенг муносабатлар ҳафа бўлиб юрганман. Ваҳоланки, паспортимда Ўзбекистон фуқароси, деб ёзиб қўйилган, диплом ҳам пойтахтда рўйхатда турувчилардан ҳеч қандай фарқи йўқ эди. Орадан йиллар ўтиб, иш жойи ва доимий рўйхатга олинганликка оид талаб бекор бўлди.

Бугун йўлаб қаралса, ижтимоий нотенглик билан боғлиқ ҳолатлар ҳануз кузатилади. Улар йиллар давомида одамларнинг фикрида шаклланиб, ўзгармас ҳолатга келган. Мисол учун, Республика таълим марказида иш бошлаб, умумий ўрта таълим мактаблари учун дарсликлари янгилаш жараёнида бир қизик ҳодиса содир бўлди.

Рассомлардан оила мавзусини чиизишни сўраганимизда, негадир аёл доим қўлида супурги билан ёки ошхонада тасвирланарди. Бу йиллар давомида шундай сингдириб келинганининг таъсири эди. Шунингдек, аксарият рассомлар эркак киши бўлгани туфайли дарсликларда ўғил болалар тасвирланган манзаралар қиз болаларникидан кўпроқ. Яъни, гендер тенглиги мактаб партасидаёқ бузилганини кўриш мумкин. Шу туфайли янги авлод дарсликларида бу каби ҳолатларга йўл қўймасликка алоҳида диққат қаратдик.

Жанубий Кореядаги бўйдоқлар, ёлғиз яшашни афзал кўрган эркак ёки аёллар сони кўплиги мени доим ҳайратга солган. 2020 йил ҳолатида Жанубий Кореяда биринчи марта турмушга чиққан аёлларнинг ўртача ёши 30,78, эркакларники эса 33,23 эди. Турмуш қуриш ёшининг тобора катталашиб боришининг турли сабаблари бор. Бунга кўпчилик иқтисод билан боғласа-да, бошқа муҳим сабаблари мавжуд.

Мисол учун, ёлғиз яшашни маъқул кўрган бир киши билан суҳбат қурганимда, унинг фикрлари мени ҳайратга солган. “Мен жамиятдаги қонунлар кўпроқ аёлларни ҳимоя қилгани учун ҳам турмуш қуриш режасидан воз кечганман. Кореяда феминизм кучайиб кетиб, биз эркакларга деярли эътибор берилмаяпти. Турмуш қуриб, мабодо аёлим билан яшай олмасам, мен ҳозиргача топган бор-будимдан айрилиб қолишим мумкин. Шу сабабли ёлғиз яшашни афзал кўраман”.

Йиллар давомида Жанубий Кореяда аёллар ҳақ-ҳуқуқларини мустаҳкамлаш бўйича қонунчилик базаси шаклланди. Сўнгги йилларда феминизмнинг кучайиб кетгани ҳам медиа томонидан кўп қораланади. Аёллар ўр-

тасида турмушга чиқишни, фарзанд кўришни ва эркаклар билан бирга бўлишни таққилолчи ҳаракатлар тобора кўпаймоқда. Бугун аёллар ўзларини эркин ва ҳимояланган ҳис қиладилар. Бунга эса айрим эркаклар ижтимоий тенгликнинг бузилиши, дея баҳолашмоқда.

Тенглик бу нафақат эркак ва аёл ўртасидаги муносабатларда, балки жамиятнинг ҳар бир фуқароси ўртасида ҳам юзага қелиши мумкин. Бу каби тушунмовчилик, яъни тенгсизликлар, айирмачиликлар, айниқса, маҳаллийчилик қиладиган ёшлар ўртасида тез-тез учраб туради. Бугун курсдошлари менсимаётган ёки пастроқ назар билан қараётган бир инсоннинг омади кулиб, яхшироқ лавозимга ўтса, пули кўпайиб, қимматроқ машина минса, унинг “қишлоқ”лиги ҳам, камбағал оиланинг боласи бўлгани ҳам унутилади. Афсуски, жамиятимизда ҳамма ҳам омадли эмас, бойлардан кўра, оддий одамлар кўпчиликини ташкил қилади. Демак, табақалашув юзага келади ва қонуний ҳуқуқларнинг таъминланишида ҳам нотенгликлар кескинлашиши мумкин. Чунки пулдор одамнинг таниш-билиши кўп, иши осон ва тез ҳал бўлади. Аслида бу нотўғри. Қонунларимиз ҳуқуқлар тенглиги бўйича мукаммал. Амалда уларнинг ҳолис ва тенг бажарилиши учун эса аввало, ҳар бир шахс ўз ҳуқуқини яхши билиши, ундан фойдалана олиш қобилияти ҳамда қўниқ-масига эга бўлиши талаб этилади. Иккинчи муҳим жиҳат эса ижро этувчи ва суд тизими ҳалол, ҳаққоний фаолият олиб бориши шарт.

Таълим ҳақида гап кетганда бир масала эсимга тушди. Кореяда ўқиб юрган кезларимда мени ҳайратга солган манзаралардан бири — бу университет ҳудудининг маҳаллий сайёҳ, ёш болалар билан тўлиб-топиши бўлган. Айниқса, куз фаслининг дам олиш қонлари кемпусда ҳаёт ўчиб кетарди. Ҳеч зот бировнинг мушугини пишт демайди (пан-жара ўраб, дарвозасига қоровул қўйса нима қиларкин?). Болалар кичик ёшидан бошлаб уларни келажакка тайёрлайдиган масканга меҳр билан улғаяди. Қун келиб улар бу ерга таълим олгани келади. Ҳатто шу жойнинг ўзида ҳам тенглик бор. Университет фақат у ерда ўқишга имкони борлар ёки ўқишга кирганлар учун эмас, халқнинг мулки экани кўриниб туради. Университетнинг ҳамма учун очиклиги ҳам бир кейс. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ёпиқликдан қочиш, шаффофликка ўтиш орқали тенгликни таъминлашга эриша олсак керак.

## ХУЛОСА

Жамиятимизда яна бир кўзга кўринмас иллат бор. Яъни, ҳуқуқшуноснинг боласи ҳуқуқшунос, шифокорнинг фарзанди шифокор бўлиши керак, деҳқонники эса деҳқон. Ўзимизда — аксариятимизда шундай янглиш дунёқараш бор. Энг қизиги, қуд-андачилик ҳам ана шу тоифага кўра танланади. Жуда кам ҳолатларда ушбу ёзилмаган қонуннинг занжири узилиб қолиши мумкин. Шунда ҳам кўп узоққа кетмайди. Маълумоти тўри келмаган жойларда бойлик устунлик қилади.

Тўғри, фаррошнинг боласи яхши мутахассис, қоровулнинг фарзанди эса ҳуқуқ-тартибот идораларида катта лавозим эгаси бўлиши мумкин. Аммо, улар бармоқ билан саноқли даражада. Агар ёзиб қўйилган қонунлар ва шунга муносиб тенг имкониятлар берилганда эди, балким тарозу палласи бир хил бўларди. Зеро, ечим бўлмайдиган масала, воз кечилмайдиган иллатнинг ўзи йўқ.

Энди эркак ва аёл, бой ва камбағал, олий маълумотли ва ўқимаган, қишлоқлик ва шаҳарлик... Санасак, узоқ давом эттириш мумкин бўлган қарашлар, мезонлар. Аслида улар инсон сифатида тенг. Бир ҳаводан нафас олади, битта заминда юради ва сўнгги манзили ҳам маълум.

Умумий савол эса очик қолмоқда. Тенглик орзуми ёки ҳуқуқ? Тенглик заруратми ёки мажбурият? Менимча, тенглик, аввало, маданият. Юксак ва ўлмас маданият.

“Ўзбекистон овози” муҳбири  
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА тайёрлади.

Тўпаланг сув омборидан марказлашган ҳолда сув келтирилаётгани халқ фаровонлиги ҳамда мамлакат тараққиётига хизмат қилади.

## ТАРИХИЙ ЛОЙИҲА

# АВВАЛИ – „ҲАЗРАТИ СУЛТОН“, БОРАР ЖОЙИ – СУРХОН

**1 МИЛЛИОН 700 МИНГ НАФАРДАН ОРТИҚ АҲОЛИНИ ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАЙДИГАН ГИГАНТ ЛОЙИҲА ҲАҚИДА**

МАЪЛУМОТЛАРГА КўРА, САРИОСИЁ ТУМАНИДА ЖОЙЛАШГАН ТўПАЛАНГ СУВ ОМБОРИ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЭНГ йирик иншоотлардан бири ҳисобланади. УЛКАН ҲАВЗАНИНГ УЗУНЛИГИ 14 КИЛОМЕТР, ЧУҚУРЛИГИ ҚАРИЙБ 200, ЭНИ ЭСА 450-500 МЕТРНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ. МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЭНГ БАЛАНД ТўҒОНЛИ (187 МЕТР) ГИДРОИНШОТГА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ БАЛАНД ЧўҚҚИСИ – ДЕНГИЗ САТХИДАН 4688 МЕТР БАЛАНДДАГИ ҲАЗРАТИ СУЛТОН МУЗЛИКЛАРИДАН СУВ ОМБОРИГА ОБИ-ҲАЁТ ОҚИБ КЕЛАДИ.

Маълумот ўрнида шунини айтиш мумкинки, бугунги кунда вилоятда 2 миллион 667 минг нафардан ортиқ киши истиқомат қилмоқда. Ҳудуд аҳолисининг 55 фоизи марказлаштирилган ичимлик суви билан таъминланган. Қолган 45 фоиз аҳолини эса бу муаммо қийнаб келаётган эди. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 1-2 июнь кунларидаги таъбири давомда воҳа халқини Тўпаланг сув омборидан тоза ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳасини амалга ошириш юзасидан топшириқ берилган. Шу боисдан ўтган давр имобайнида қандай амалий ишлар қилинганлиги борасида мутасаддилар ва партияимиз фаоллари фикрини эшитиб кўрдик.

**Фахриддин УМАРОВ,**  
**“Тўпаланг-Қоратог”**  
**ирригация тизими**  
**бошқармаси бошлиғи:**

— Тасарруфимизда умумий узунлиги 354 километрни ташкил қиладиган 21 туманлараро канал ва қатор қурилмалар мавжуд бўлиб, бошқармамиз воҳанинги Қизирқ, Бойсун, Қумқўрғон, Шўрчи, Узун, Сариосиё ва Денов туманларидаги 117 минг 800 гектардан ортиқ пахта, ғалла ва бошқа экин майдонларини сув билан таъминлаб келади.

Ҳақиқатдан ҳам сўнгги йилларда чўл ҳудудларидаги экин майдонларига сув етказиб бе-

ришда муаммолар кўзга ташлана бошлаганди. Айниқса, ёзги мавсумда нафақат фермерлар балки, томорка ер эгалари ва аҳоли ҳам ичимлик сув танқислигидан азият чекарди. Давлат раҳбарининг кўрсатмасига асосан “Тўпаланг-Қоратог” каналидаги сув ўтказиш иншоотларини кенгайтириш ишлари бошлаб юборилди. Айни кунларда жойларда ўнлаб техникалар ва пудратчи ташкилотлар жасорат намуналарини кўрсатмоқда. Ишончим комилки, яқин келажакда янги ерлар ўзлаштирилиб, юзлаб манзиллар обод бўлади.

Шуни ҳам фахр билан таъкидлаш керакки, Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги юртдошларимиз учун қувончларга бой бўлди. Қўшалоқ байрам арафасида Сариосиё, Денов, Қумқўрғон ва Шеробод туманларида аҳолини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги бунёдкорлик ишларига тамал тоши қўйилди. Тажрибали муҳандис мутахассислар томонидан хайрли ва эзгу ишлар бошлаб юборилди.

**Шокиржон МИРЗАЕВ,**  
**Сариосиё туманидаги**  
**“Шодмон-Шокир” фермер**  
**хўжалиғи раҳбари, ХДП**  
**фаоли:**

— Фермер хўжалигимиз 2006 йилда ташкил топган. Тасарруфи-

мизда 40 гектар ер майдони бор. Унинг бир қисмига бугдой экилса, қарийб 20 гектарга пахта етиштирамиз. Баҳор серёгин келса, ғалладан яхшигина даромад олиш мумкин. Аммо, пахтани суғоришда ҳар йили қийналардик.

Ҳаётимиз қонуниятида шундай инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат борки, уни барчамиз яхши англаймиз. Яъни, сув бор жойда ҳаёт гуллаб-яшнади, фаровонлик ва фаровонлик бўлади. Шу боис ота-боболаримиз сувни эъзозлаб, исроф бўлишига йўл қўймаган. Тўпаланг сув омборини эса шубҳасиз табиат мўъжизаси ва инсон ақл-заковатининг маҳсулига қиёслаш мумкин. Ундан оқётган бебаҳо неъмат ҳозирги кунда Сариосиё, Денов, Олтинсой, Шўрчи, Қумқўрғон туманларидаги 101,7 минг гектар майдонни сув билан таъминлаётган бўлса, яқин келажакда Шеробод, Музработ, Қизирқ ва бошқа туманлардаги 103 минг гектар ернинг танқислигига барҳам берилади. Қолаверса, яқин йиллар ичида воҳа аҳолисини 1 миллион 700 минг нафардан ортиғи марказлашган ичимлик суви билан таъминланади. Бу эса халқ фаровонлиги ва мамлакат тараққиётига хизмат қилади.

**Эътибор ХЎЖАЕВА,**  
**халқ депутатлари**  
**Сурхондарё вилоят**  
**Кенгашидаги Ўзбекистон**  
**ХДП гуруҳи аъзоси:**

— Ҳозирда Узун, Сариосиё ва Денов туманларида 700 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилмоқда. Ҳудуд географик

жиҳатдан тоғолдида жойлашган бўлса-да, юртдошларимизнинг асосий қисми тоза ичимлик сув билан таъминланмаганди. Ҳатто туманлар марказларидаги кўпқаватли уйларда истиқомат қиладиганлар ҳам оби-ҳаётдан мунтазам қийналиб келган. Тарихий аҳамиятга эга бу лойиҳа минглаб юртдошларимиз орзусининг рўёби бўлди.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани айтиб ўтмоқчиман. Бунёдкорликларнинг амалий натижаси ўлароқ, уч йилда 495 та маҳалла фуқаролар йиғинларидаги 2 минг 400 метр ички тармоқлар реконструкция қилиниб, 96 та сув иншооти қурилган экан. Шу билан бир қаторда 4,5 километрдан ортиқ сув тармоқларини барпо этиш кўзда тутилганини эса келажакка қўйилган тамал тоши, дейиш мумкин.

Мутахассислар томонидан 2040 йилга бориб вилоят аҳоли 17 фоизга ошиши таъкидланмоқда. Бу эса сувга бўлган эҳтиёж янада ортишидан далолат беради. Айни жиҳатлар инobatга олинган ҳолда жойлардаги 6 та сув иншооти ва 160 километр сув тармоғини реконструкция қилиш белгиланган. Шунингдек, 4 та сув иншооти ва 242 километрли сув тармоғини барпо этиш ҳам режалаштирилмоқда. Бир сўз билан айтганда, Тўпаланг сув омборидан марказлашган ҳолда сув келтирилаётгани халқ фаровонлиги ҳамда мамлакат тараққиётига хизмат қилади.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**  
**“Ўзбекистон овози” муҳбири.**

## ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

## ОДАМЛАРНИНГ РОЗИЛИК ДАРАЖАСИ фаолиятимиз асосидир

Тўрт йил — бу Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг ташкил этилган санадан бўён ўтган давр. Айни пайтга қадар унинг марказларида 170 га яқин хизмат кўрсатиб келиняпти. Эътиборлиси, хизмат турлари сони ортиб борапти.

Биргина Китоёб тумани марказидан узоқда жойлашган қишлоқларда, яъни “Варганза”, “Обиканда” ва “Макрид” филиаллари ишламоқда. Улар ҳафтанинги сешанба ва жума кунлари соат 9.00 дан 14.00 гача аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Мисол учун: ФХДЭ органлари — ҳар бир инсон ҳаётидаги энг муҳим ҳужжатларни тақдим этувчи, қувончли ва қайғули онларда хизмат қилувчи идора ҳисобланади. 2020 йилнинг 1 апрелидан мазкур ташкилот Давлат хизматлари агентлиги тасарруфига ўтди. Бу орқали одамларнинг оғри енгил бўлди, сарсонгарчиликлар бартараф этилди. Хусусан, туғилиш, никоҳ, ажрим, ўлим каби фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш соҳасида қулайликлар яратилди. Айтилайки, илгари 16 ёшдан ошган, лекин туғилиш қайд этилмаган шахсларни қайд этиш фақат суд қарори асосида амалга оширилди. Энди эса тегишли тиббий маълумотнома мавжуд бўлса, унинг туғилиш ота-она ёки улардан бири ва вояга етган боланинг аризасига кўра, ФХДЭ органи томонидан қайд этилади.

Шунингдек, бюрократик масалаларда ҳам қатор қисқартиришлар бўлди. Туғилиш қайд этиш, болани поликлиникада рўйхатга қўйиш, турар жойи бўйича ҳисобга олиш, бир марталик нафақа пулини тайинлаш ҳамда давлат мактабгача таълим муассасасига навбатга қўйиш хизматлари бир вақтнинг ўзига амалга оширилмоқда. Композит давлат хизматлари кўрсатилишининг йўлга қўйилиши билан 15 дан ортиқ ҳужжат қисқариб, фуқароларнинг идора-ма-идора юришига чек қўйилди. Натижада нафақат овозгарчиликлар, балки коррупцион ҳолатларнинг ҳам олди олинмоқда.

Марказ ходимлари тумандоғи ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар билан ҳамкорликда коррупцияга қарши кураш бўйича мунтазам равишда профилактик суҳбатлар ва тушунтириш ишларини ҳам йўлга қўйган. Биринчи навбатда ҳамма ўз хизмат вазифасини ҳалол, виждонан бажариши тушунтирилмоқда. Ҳар қандай вазиятда ўз шаъни ва қадр-қимматини сақлаши, одоб-ахлоқ, касб этика қоидаларига риоя қилишини таъминлашга ҳам эътибор қаратилган. Камтарлик, хушмуомалалик, тизим ходимлари нуфузига пўтур етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиши ҳам асосий қоидалардан саналади. Ўз хизмат вазифаларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракат ёки ҳаракатсизлик эвазига пул, моддий бойлик ва мулкий аҳамиятга эга хизматлар, бошқа кўринишда ҳақ олмаслик шарт қилиб белгиланган. Бундан ташқари, хизмат мавқеидан ўзи, қариндошлари ва бошқа шахслар учун бирор-бир манфаат мақсадида фойдаланмаслиги ўқтириб келинмоқда. Агар ана шундай ҳолатлар аниқланса, уларга тегишли тартибда интизомий ёки қонуний жазо ҳам белгиланиши кўзда тутилган.

Умуман олганда, аҳоли ва тadbirkorлик субъектларига сифатли давлат хизматларини кўрсатиш, давлат хизматлари маркази ва ФХДЭ бўлимларига келган ҳар бир фуқаронинг кўнгилига йўл топиш тизим ходимларининг асосий мақсадига айланган. Чунки марказ фаолиятига одамларнинг розилик даражаси билан баҳо берилади.

**Сирожиiddин Йўлдошев,**  
**Китоёб тумани ДХМ катта мутахассиси.**

## Воҳа аҳолисини ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 84,1 фоизга етади



Маълумотларга кўра, дунё бўйича аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида олиб борилаётган тадқиқотлар, олимларнинг илмий изланишларига қарамасдан барибир жаҳон аҳлининг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондиришнинг имкони бўлмапти. Шу боисдан дунёнинг кўплаб мамлакатлари халқлари бу муаммодан азият чеқмоқда.

Биз бу мавзу ҳақида бежизга тўхталмадик. Бойси, республикамиз аҳолисини тоза ичимлик суви билан узлиқсиз таъминлаш борасида сўнгги йилларда тизимли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Айниқса, мамлакатимиз жануби ҳисобланган Сурхондарё вилояти аҳолисини узоқ йиллардан бўён қийнаб келаётган муаммолардан бири бу тоза ичимлик суви эди. Айни вақтда маълумотларга кўра, воҳа аҳолисининг 55,4 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминлангани, бор ҳақиқат аслида.

Шу боисдан давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 1-2 июнь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида мазкур муаммони ҳал этиш учун “Тўпаланг” сув омборидан

магистрал сув таъминоти тармоғини ётқизиш вазифаси белгиланган эди.

— Ушбу вазифа ижроси доирасида 2021 йил 18 августда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори ҳам қабул қилинди, — дейди Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг биринчи ўринбосари, “Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Соҳиб Саифназаров. — Бунга асосан вилоятнинг ўзи оқувчи магистрал ичимлик сув қувурини қуришнинг техник асослари ишлаб чиқилди. Лойиҳанинг дастлабки ҳисоб-китобларини тайёрлашга хорижий тажрибали мутахассислар ҳам жалб этилди.

Мазкур лойиҳанинг ишга туширилиши ви-

лоятнинг Сариосиё, Денов, Олтинсой, Шўрчи, Қумқўрғон, Бандихон, Шеробод, Музработ, Қизирқ, Жарқўрғон, Термиз ва Ангор туманлари ҳамда Термиз шаҳридаги 495 маҳаллада яшовчи 1 миллион 700 мингдан ортиқ аҳолини марказлашган ичимлик суви билан узлуксиз таъминлайди. Бунда ҳудудлардаги мавжуд 62 та сув иншоотини ва ҳар хил ҳажмдаги 2,4 минг км ички тармоқларни реконструкция қилиш ҳамда янгидан 96 та сув иншооти ва ҳар хил ҳажмдаги 4,5 минг км сув тармоғини қуриш лозим бўлади. Натижада вилоят аҳолисининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини 59,6 фоиздан 84,1 фоизгача ошириш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, Термиз шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, Қурилиш бошқармаси, “Сурхондарё сув таъминоти” МЧЖ билан биргаликда лойиҳа ҳудудидаги истеъмолчиларни ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида туманлар ва маҳаллалар кесимида янги сув тақсимлаш узеллари ва сув тарқатиш қувурларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилишни лойиҳалаш ҳамда амалга ошириш ишларини молиялаштириш манбалари бўйича таклиф ишлаб чиқиш, ичимлик суви қувурлари ҳамда иншоотларни қуриш учун зарур бўлган ер участкаларининг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратишини, шунингдек, уларнинг ажратилиши билан боғлиқ компенсация тўловларини амалга ошириш белгиланган.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**  
**“Ўзбекистон овози” муҳбири.**

Хар биримиз исталган соҳада меҳнат қилмайлик, устоз ва мураббийларга эҳтиёж сезамиз. Аввалига мактабгача таълим муассасаси, кейин мактаб, навбати билан олий ўқув юртида устозлардан сабоқ оламиз.

29-sentabr, chorshanba, 2021-yil.  
№39 (32681)

ХОТИРА

АКАДЕМИК ВОСИЛ ҚОБУЛОВНИ ЭСЛАБ

ЖОРИЙ ЙИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА КИБЕРНЕТИКА ФАНИ РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШГАН ЙИРИК ОЛИМ, ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, АКАДЕМИК ВОСИЛ ҚОБУЛОВ ТАВАЛЛУДИГА 100 ЙИЛ ТЎЛДИ.



Жаҳонга машҳур кибернетик олим 1962 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси ва 1966 йилда ҳақиқий аъзолигига сайланган. Унинг 25 та монографияси, 400 дан ортиқ илмий мақолалари нашр қилинган.

Домланинг шогирди, СамДУ ахборотлаштириш технологиялари кафедраси профессори, техника фанлари доктори Исроил Жуманов устози ҳақида шундай хотирлайди:

— Пенза политехника институтида ўқиётган пайтим “Приборسازی” факультети деканати мени Ўзбекистон доимий ваколатхонасидан келган бир хат билан таништирди. Хатда Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳисоблаш марказига эга Кибернетика институти очилганлиги, унга ёш академик Восил Қобулов раҳбар эканлиги, институт марказий олийгоҳларни битираётган мутахассисларни ишга таклиф этаётганлиги баён қилинган. Ушбу хат сабаб менга Кибернетика институтига йўлланма берилди.

Ёш академик В.Қобулов билан бирга ишлаш, ундан иш ўрганиш тақдиримга ёзилган экан. Менинг истиқболимни домла кибернетика фани билан боғлади, тезда илмий йўналиш танлаб, Россия илмгоҳларидан раҳбар топиш, аспирантурада ўқиш, номзодлик диссертациясини ёклаш ҳамда келажагимни белгилаш шахсан ўзимга боғлиқлигини ўқтирди. Устоз менга Самарқанд вилояти, шаҳри, олийгоҳларида ҳисоблаш техникасини, математик ва дастурий воситалар яратиш ва уларни корхоналар, ташкилотлар фаолиятида қўллаш,

ривожлантириш ва шу асосда юқори малакали кадрларни тайёрлаш бўйича йўналиш берди.

Домла раҳбарлигида шу йилларда вилоят, республика миқёсида кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш, қайта тайёрлаш йўналишларида илмгоҳлар, махсус курслар, ОТМларда амалий математика, ҳисоблаш техникаси, дастурлаш, электроника бўйича олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаб берувчи факультетлар ва кафедралар ташкил қилина бошланди.

Самарқанд давлат университетида жонкуяр устоз алоҳида эътибор қаратарди. У университет учун фан докторлари, фан номзодларини тайёрлашда амалий ёрдами

аямасди. Самарқанд вилояти учун 1975-1987 йилларда 50 дан зиёд фан докторлари ва 60 дан ортиқ фан номзодлари Кибернетика институти даргоҳида домланинг амалий кўмагида тайёрланди. Улар ҳозирги пайтда вилоятнинг турли таълим ташкилотлари, корхона, муассасаларда фаолият кўрсатиб келишмоқда.

Айтиш мумкинки, академик Восил Қобулов Ўзбекистонда кибернетика соҳасини ривожлантириш жонкуяри эди. Бугун устоз ишини унинг ўнлаб шогирдлари давом эттирмоқда.

Абдурасул САТТОРОВ тайёрлади.



ИСЛОҲОТ ВА НАТИЖА


БАРЧА БИТИРУВЧИЛАР ОЛИЙ ТАЪЛИМГА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Оқдарё туманидаги 52-ихтисослаштирилган давлат интернат-мактабда аниқ ва ижтимоий фанлар чуқур ўргатилади. Ҳозир бу ерда 40 нафардан ортиқ ўқитувчи 400 нафардан кўпроқ ўқувчига таълим-тарбия бермоқда.

2020-2021 ўқув йилида мактаб битирувчилари 43 нафар эди. Эътиборлиси, уларнинг ҳаммаси мамлакатимиздаги олий ўқув юртлири талабаси бўлишди.

— Мактабларимизда ўн бир йиллик таълимга ўтилиши самараси, бу, — дейди интернат-мактаб директорининг таълим-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Феруза Сафарова. — 2018-2019 ўқув йилида ўқувчиларимизнинг олий ўқув юртлирига кириш даражаси 50 фоиз эди, орадан бир йил ўтиб, бу кўрсаткич 71 фоизга кўтарилди. Бу йил эса 100 фоизлик натижага эришдик. 28 нафар ўқувчимиз давлат гранти асосида, қолган 13 нафар ўқувчимиз эса тўлов-контракт асосида ўқияпти.

Ўз муҳбиримиз.



ЖУРНАЛЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

“Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” журнаlining навбатдаги сони мамлакатимизда 24 октябрда бўлиб ўтадиган Президент сайловига бағишланган.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ – КЕЛАЖАК ТАНЛОВИ

Журналнинг бош мақоласи Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг раиси З.Низомхўжаевнинг “Президент сайлови: демократик ислохотларнинг мантикий давоми” номли мақоласидир.

Унда 2016 йил 4 декабридаги Президент сайловидан кейин мамлакатимиздаги тўб ўзгаришлар ва халқаро сайлов стандартларига тўла жавоб берадиган янги Сайлов кодекси қабул қилинишининг аҳамияти, барча фуқароларимизнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳуқуқий-ташкилий асослари ва самарали механизмлари тўла шакллантирилганлиги, бу галги Президент сайлови очик ва ошкора, демократик тарзда кўп сонли халқаро ташкилотлар ва хорижий кузатувчилар миссияларининг иштирокида ўтказилиши батафсил баён этилган.

Мамлакатимиздаги сиёсий партиялар раҳбарлари – А.Хаитов (ЎзЛиДеП), А.Қодиров (“Миллий тикланиш”), Б.Абдухалимов (“Адолат”), Н.Обломуродов (Экология), У.Иноят (ХДП) Президентликка ўз номзодларининг сайлов дастурлари билан журналхонларни таништирганлар.

Ушбу сонда, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори, академик А.Саидовнинг Янги Ўзбекистон сайлов қонунчилиги тараққиётининг асосий босқичлари, фалсафа

лаштирилган дерматология венерология ва косметология илмий амалий тиббиёт марказига ординатурага ўқишга кирдим. Ўқишни амалиётга боғлаган ҳолда давом эттирдим. Назарий билимларимни амалиётда ўз кўзим билан кўрдим, тажриба орттирдим. Бу йўлда менга устозларим яқиндан кўмакчи бўлишди.

Марказнинг профессор устозлари Улуғбек Сабилов, Аваз Иноят, Илҳом Раҳимов, Шаҳноза Мавянова, Муниса Мирсаидова, Деля Порсохонова, Абдумалик Исмоилов менга эгаллаётган касбимнинг сир-асрорларини ўрганишимда қўлдан келганча меҳнатларини аяшмади. Такрор-такрор айтаман, устозларимдан мингдан минг миннатдорман.

Албатта, ҳар биримиз исталган соҳада меҳнат қилмайлик, устоз ва мураббийларга эҳтиёж сезамиз. Аввалига мактабгача таълим муассасаси, кейин мактаб, навбати билан олий ўқув юртида устозлардан сабоқ оламиз. Кўз нури ва қалб кўрини, бутун онгли ҳаётини ёш авлодга билим ва тарбия беришга, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга бағишлаган, бир сўз билан айтганда, Ватанимизнинг эртанги кунининг пойдеворини яратаётган бу инсонларнинг олижаноб меҳнатига ҳар қанча таҳсин айтсак оз.

Шундай улуғ байрам арафасида устозларимни, Ўзбекистондаги барча устоз-мураббийларни самимий табриклайман. Ёшларга зиё, илм-маърифат нурини таратишдан асло чарчаманг!

Ҳилола ФАЙЗИЕВА, Республика иختисослаштирилган дерматология венерология ва косметология илмий амалий тиббиёт маркази шифокори.

Э.ЭРНАЗАРОВ

АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" хизматларидан мижозлари мамнун.  
Шу боисдан банк мижозлари сони муттасил ошиб бормоқда.

29-sentabr, chorshanba, 2021-yil.  
№39 (32681)

# МОЛИЯВИЙ КЎМАК НАТИЖАСИДА

КАМ ДАРОМАДЛИ, ОИЛАСИДА НОГИРОНЛИГИ БОР,  
3 ЁШГА ТЎЛМАГАН ФАРЗАНДИ БЎЛГАН АЁЛЛАР  
ЭНДИЛИКДА ИШЛАШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА



АТБ "ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК" ТОМОНИ-  
ДАН АНДИЖОН МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛЛА-  
РИНИНГ МОЛИЯВИЙ КЎМАГИДА ТУМАНЛАР-  
ДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЛОЙИХАЛАР  
НАТИЖАСИДА КЎПЛАБ ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ  
ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ЭВАЗИГА АҲОЛИ ДАРО-  
МАДИ ОШАЁТГАНЛИГИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ  
МАҚСАДИДА ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН МЕДИА  
ТУР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

МЕДИА ТУРНИНГ ИЛК МАНЗИЛИ АНДИЖОН  
ВИЛОЯТИ, ХЎЖАОБОД ТУМАНИ БЎЛДИ.

— Сизларни таклиф этишимиз-  
дан мақсад янги ташаббус билан  
таништириш эди, — дейди АТБ  
"Қишлоқ қурилиш банк" Хўжаобод  
туман филиали бошқарувчиси Са-  
мандар Хожисултонов. — Банкимиз  
томонидан кам таъминланган ёки  
шароити оғир бўлган оилаларнинг  
тадбиркорлик билан шугулланиши  
учун уларга маълум миқдорда имти-  
ёзли кредитлар ажратиш келаётган-  
ди. Аммо, вақт ўтиши билан ажра-  
тилган кредитларни ойма-ой сўн-  
дириб боришда уларда муаммолар  
пайдо бўла бошлади. Шунини ҳисобга  
олган ҳолда банкимиз томонидан  
юқори раҳбариятнинг ташаббусини  
амалиётга жорий этдик. Бунда, энди  
шароити оғир ёки ишсиз оилаларга  
эмас, ўша маҳаллада тадбиркор-  
лик қилаётган лидер тадбиркорга  
ишсизларни доимий иш билан  
таъминлаш шarti билан имтиёзли  
кредитлар ажратилмоқда. "ANVAR  
LIDER" масъулияти чекланган жа-  
мияти раҳбари "Қўрама" маҳалла  
фуқаролар йиғинида ўз хонадонидан

трикотаж маҳсулотлар ишлаб чиқа-  
ришга ихтисослашган цех ташкил  
этиб, 50 нафар хотин-қизни доимий  
иш билан таъминлади. Биз бу тад-  
биркор фаолияти билан яқиндан  
танишганимизда унинг чиқараётган  
маҳсулотларига бозорларда талаб  
юқорилигини билдик ва унга фао-  
лиятини янада кенгайтириш учун  
кредит ажратишимизни ва бунинг  
эвазига маҳаллада қўлидан иш  
келадиган оилаларни иш билан  
таъминлаш лозимлигини тушунтир-  
дик. Шундан сўнг ушбу тадбиркорга  
банкимиз томонидан 2 миллиард  
сўмлик имтиёзли кредит ажратдик.

— Ўзим трикотаж маҳсулотла-  
ри бизнеси билан шугулланганим  
боис, ушбу маҳсулотларга бўлган  
талаб юқорилигини ҳисобга олиб,  
хонадонимда цех очиб, ишлаб  
чиқаришни йўлга қўйдим, — дейди  
"Anvar lider" масъулияти чекланган  
жамияти директори Икболжон Оста-  
наев. — Бошланишига 2020 йилда 1  
миллиард сўмлик ўз маблағим эва-  
зига ишни йўлга қўйдим ва маҳал-

ламизда кам даромадли оилалардан  
50 нафар хотин-қизни иш билан  
таъминладим. Бозорларда маҳсуло-  
тимизга талаб орта бошлади. Аммо,  
фаолиятимни кенгайтиришга молия-  
вий томондан бироз қўлим калталиқ  
қилиб турганда банк ходимлари  
яхши бир ташаббусни айтиб қолиш-  
ди. Бу менга маъқул келди.

Маҳалламиздаги 50 нафар кам  
даромадли оиладаги хотин-қизни иш  
билан таъминлаган бўлсам-да, яна  
бир қанча кам даромадли оилалар  
бор эди. Ушбу оилаларда ишлашга  
хоҳиши бор, аммо рўзгоридан ор-  
тиб, яъни ёш келинчақлар кекса,  
касалманд қайнота ва қайнонасига  
қараши лозим бўлган бўлса, бошқа  
оилада ногиронлиги бўлган шахс  
борлиги учун ишлашга имкон топа  
олмаган ёки 3 ёшга тўлмаган фар-  
занди борлиги сабаб ишлашга имкон  
топа олмаётганларга кредит эвазига  
50 та замонавий тикув машиналари  
харид қилиб, 50 та оилага ўрнатиб  
бердим ва уларни доимий иш билан  
таъминлашга эришдим.

— "Anvar lider" масъулияти  
чекланган жамияти томонидан замо-  
навий тикув машинасини ўйимизга  
олиб келиб ўрнатиб беришди-да,  
энди сиз ушбу цехнинг ишчиси бўл-  
дингиз, уйда ўтирган ҳолда ишлаб,  
бўйртмаларни бажарганингиз учун  
жамият сизга маош тўлайди, дей-  
ишганда ишонини ҳам, ишонмас-  
ликни ҳам билмай қолдим, — дейди  
касанаچиси Зилола Тўхтасинова. —  
3 ёшга тўлмаган фарзандим борлиги  
учун ишлашга имкониятим йўқ эди.  
Турмуш ўртоғимнинг топгани оила-  
мизга етмаётганлиги боис моддий  
жихатдан анча қийналиб қолгандик.  
Ишлайман, десам буёқда ёш болам

бор. Қутилмаганда бундай имконият  
бизнинг оиламизни ниҳоятда қувон-  
тириб юборди...

Медиа турнинг иккинчи кунидан  
журналистлар вилоятнинг Пахтаобод  
туманидаги "Xurshid tantanasi"  
МЧЖ фаолияти билан танишишди.

Ушбу жамиятга АТБ "Қишлоқ  
қурилиш банк" туман филиали то-  
монидан 7 миллиард сўм кредит  
ажратилиши натижасида 80 минг  
дона жўжа боқиш йўлга қўйилди.  
Бугунги кунда бу ерда йилига 500  
тонна парранда гўшти (бройлер)  
тайёрланмоқда.

— Корхонамизнинг тўлиқ қув-  
ватда иш бошлагани натижасида  
30 нафар ҳамюртимиз доимий иш  
ўрнига эга бўлди, — дейди корхона  
раҳбари Абдор Эргашев. — Бундан  
ташқари, ички бозорларимизга  
"Safol Jo'jalari" бренди номи билан  
кунига 1,6 тонна парранда гўштини  
етказиб бериш орқали аҳолининг  
бу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини  
қондиришга эришмоқдамиз.

Медиа тур доирасида шунингдек,  
Андижон туманидаги "Feruzbek  
textile" масъулияти чекланган  
жамияти ва Андижон шаҳрида-  
ги "Bananza" бренди номи билан  
халқимизга яхши танилган  
"Qandolat uyi bananza" масъулияти  
чекланган жамияти фаолияти билан  
ҳам яқиндан танишдик.

Бир сўз билан айтганда, медиа  
тур давомида шу нарсага амин бўл-  
дикки, АТБ "Қишлоқ қурилиш банк"  
хизматларидан мижозлари мамнун.  
Шу боисдан банк мижозлари сони  
муттасил ошиб бормоқда.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,  
"Ўзбекистон овози" мухбири.



## ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

# СИНФДОШИГА ФИРИБ БЕРГАН СИНФДОШ

Орамизда ишонувчан, кўнгилчан,  
содда одамлар ҳам бор. Ким нима деса,  
сўраб-суриштирмай дарров ишониб қо-  
лишади. Масалан, "Отан касал бўлиб  
қолди. Ёрдам бериб тур, фалон сўм зарур  
эди". Ёки "яхши бизнес бошлагандим.  
Шунинг учун каттароқ маблағ зарур  
бўляпти," деса ҳеч иккиланмасдан ёр-  
дамга шошиладиганлар кўп. Бу каби  
оқибатини ўйламаслик натижасида эса  
бир умр ҳалол меҳнати эвазига топган  
маблағини қўш-қўллаб тутқазадиганлар  
учраб туради. Оқибати эса...

Келинг, шу ўринда одамларнинг содда-  
лигини фойдаланиб қоладиган фирибгарлар  
ҳақида ҳаётий мисолга ўтайлик. Бу «иш» маъ-  
лум муддат аввал судда кўрилиб, айбланувчи  
конуний жазога тортилганди. Бу воқеа бошқа-  
ларга ҳам сабоқ бўлсин, дея қорозга туширдик.  
Одатда яқин кишилар бир-бирининг қувон-  
чига шерик бўлади, қоқилганда суйади, дала-  
да беради, тўғри йўлни кўрсатади. Тошкент  
шаҳрида яшовчи Рўзи Розиков (исм-фамилия-  
лар ўзгартрилган) Зокир Сатторов билан бир  
мактабда ўқиган. Улар синфдош бўлган. Рўзи  
Розиков дўстларига ўхшаб ҳаётда ўз ўрнини  
топмади. Сабаби, у ўзгаларни алдаш йўли  
билан моддий манфаат қўриш пайида бўлди.

...Февраль ойининг киши-қировли кун-  
ларидан бири. Синфдошлар пойтахтимиздаги  
кафелардан бирига бориб анча вақт гурун-

лашиб ўтирди. Улар ўрнидан кўзгалганда кун  
кеч бўлиб қолганди. Уйларига пиёда сўхбат-  
лашиб кетишди.

— Оғайни, — деди Рўзи Розиков синфдо-  
шига юзланиб, — ишларим юришмаяпти. Ило-  
жи бўлса, 5 минг АҚШ доллари бериб турсанг.  
Зокир Сатторов ўйланиб қолди. Ахир,  
синфдошим-ку! Ёрдам қилсам зора ишлари  
юришиб кетса...

— Майли, бериб тураман. Фақат сўраган  
вақтимда пулимини қайтариб берсанг бўлди.

Шундай дея Зокир уйига кириб кетди.  
Орадан ўн дақиқалардан кейин синфдоши  
сўраган пулни олиб чиқиб, унинг қўлига  
тутқади. Рўзи пулни битталаб санаб олди.

— Раҳмат, оғайни, — деди Рўзи хурсанд  
бўлиб. — Агар пулинг керак бўлиб қолса уч

кун олдин мени огоҳлантириб қўйгин! Ҳа  
айтгандай, пул эвазига хоҳласанг ижарага  
олган "Спарк"имни сенинг номинга ўтказиб  
беришим мумкин. Агар ишонмасанг ҳозир-  
нинг ўзида "Спарк"ни сенга ташлаб кетаман.

Дарвоқе, Зокирнинг автомашинага эҳтиё-  
жи йўқ эди.

— Сен менинг ёшлиқдаги синфдошим бўл-  
санг, машинангни олиб кетавер. Сенга ишо-  
наман-ку!

Синфдошлар шу зайилда хайрлашди. Ора-  
дан кунлар, ойлар ўтлаверди. Бир кун Рўзи  
Розиков синфдошининг уйига келиб "ишларим  
юришмаяпти, ижарадаги машинани ҳам эгаси-  
га топшириб юбордим", деди.

Синфдош сирдош эмасми, Зокирнинг кўн-  
ли юмшади.

— Ишларинг ўхшамаган бўлса, нима ҳам  
дердим. Пуллари бир ойдан кейин қайтар-  
санг бўлди.

Улар шу тариқа хайрлашди. Орадан бир  
ой ўтгач, Зокир синфдошидан пулини сўради.

— Оғайни, — деди Рўзи илтимос оҳангида,  
— яна тўрт-беш ой қўтиб тур, пулингни қай-  
тариб бераман.

Зокир унинг бу гапига яна ишонди. Айтил-  
ган вақт келганида Рўзининг қўл телефонида  
бир неча бор қўнғироқ қилса ҳам у жавоб  
бермади. Табиийки, Зокирнинг жаҳли чиқиб  
синфдошининг уйига борди. Билдики, синф-  
доши уйда йўқ. Рўзининг онаси ва унинг  
хотинига 5 минг АҚШ доллар пулини сўраб  
келганлигини айтди. Мабода, Рўзи келса мен-  
га албатта телефон қилсин, деб қайта-қайта  
тайинлади. Шундан кейин ҳам орадан анча  
вақт ўтиб кетди. Рўзи эса сўзида турмади.

Зокир танг аҳволга тушиб қолди. Ўша кун-  
ларда унга пул жуда зарур бўлиб турган эди.  
Оғайиниси эса уни алдаб юрганлиги алам қил-  
ди. Зокир сўраб-суриштириб билдики, синф-  
дошининг шунга ўхшаш "хунари" бор экан...

Энди нима қилиш керак? Уйдан тополма-  
са, қўнғироқларга жавоб бермаса... Чорасиз  
қолган Зокир бу ҳақда ички ишлар идорала-  
рига хабар беришга мажбур бўлди.

Ҳаддан зиёд ишонувчанлик панд бериши-  
ни ушбу ҳаётий мисолдан ҳам тушуниб олиш  
мумкин. Фирибгарлар нафақат бегоналарни  
балки, яқин қариндошларни ҳам аяб ўтир-  
маслиги бу бор гап. Улар алдаш йўли билан  
ўзгаларнинг мулкни қўлга киритиш учун  
бор «хунари»ларини ишга солишади. Бундай  
кимсаларнинг тўрига тушмаслик эса аввало,  
ўзимиз ён-атрофдагиларимиз билан зийрак,  
хушёр муносабатда бўлишимизни талаб этади.

Равшан ШОДИЕВ,  
"Ўзбекистон овози" мухбири.

